Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 11-sentabr, payshanba № 113 (3462)

Форум

Мамлакатимиз Президентининг 2014 йил 6 февралдаги Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури»га мувофиқ Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида «Ёш мутахассислар» II Республика Форуми ўтказилди. Унда қатор вазирлик ва идоралар мутасаддилари, турли тармоқларда фаолият кўрсатиш билан бирга ўз касблари йўналишида инновацион ғоя ва ишланмалар ҳамда янги лойиҳаларни илгари суриб келаётган энг фаол ва ташаббускор ёш мутахассислар иштирок этдилар.

Иқтидор, ташаббус ва фаоллик

ёшларимиз эришаётган муваффақиятлар гарови бўлаётир

Дарҳақиқат, Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, эркин касб танлаши, малака оширишлари, илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб боришлари учун яратиб берилаётган шароитлар ва кенг имкониятлар ўз ижобий самарасини бермоқда. Бугун ёшларимиз ўзларига «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодларимиз, қандай буюк меросинг ворисларимиз?!» деган саволга жавобан нималарга қодир эканликларини билим ва иқтидорлари орқали намоён этиб келишаётир. Илм, фан, техника, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фермерлик, умуман, қай йўналишни олманг, дунё миқёсида ҳавас қилишга арзигулик натижаларга эришилаётгани ҳам бежиз эмас.

«Ёш мутахассислар» Республика Форуми амалий фаолияти билан катта ютуқларга эришаётган ташаббускор ва фаол ёш мутахассисларни кашф этиш, уларнинг ўз касбий йўналишларида етук мутахассислар бўлиб етишишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, янги лойиҳалари, инновацион ғоя ва ишланмаларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиш мақсадларига қаратилган. Жорий йилги танловнинг кенг қамровда ташкил этилгани ва мамлакат миқёсида 16 минг нафардан ортиқ ёш мутахассисларни қамраб олгани Форум нуфузи ортиб бораётганининг ёрқин далилидир.

* * *

Форум ёш мутахассисларнинг ўзаро танишуви ва маданий тадбирлар, қатор ижодкорлар билан учрашув ва давра суҳбатлари билан бошланди.

— Форумнинг биринчи куниданоқ кўплаб янгилик ва маълумотларга эга бўлдик, — дейди Андижон темир йўл масофаси ҳужжатларини юритиш нозири Ҳилола Каримова. — Ўзим ҳақимда тўхталадиган бўлсам, «Энг фаол ёш темийўлчи» Республика тармоқ танловида биринчи ўринга сазовор бўлдим. Танловда иштироким темир йўл соҳасида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган рационализаторлик таклифини янада ривожлантириш ва янги-янги ғояларни илгари суриш учун жуда яхши имконият бўлди.

* * *

Таъкидлаш жоизки, Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан илк маротаба ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови мазкур анжуман қамровини янада кенгайтирди. Хусусан, 20 та номинация бўйича 4 босқичда ўтказилган танловнинг 1- ва 2-босқичлари корхона, ташкилот, муассасалар ва туман (шаҳар)ларда ташкил этилиб, унда 16 минг нафардан ортиқ ёш мутахассис қатнашди. Сараланган ёш мутахассислар танловнинг 3-босқичи — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ўз иқтидорлари ва касбий маҳоратларини намоён этдилар. Мазкур босқичда 1000 дан ортиқ ёш мутахассис қатнашди. Якуний — Республика-тармоқ босқичида эса 270 нафар ёш мутахассислар орасидан 60 нафар ғолиб ва совриндор аниқланди. Яъни, ҳар бир номинация бўйича 1-, 2-, 3-ўринларни қўлга киритганлар «Ёш мутахассислар» республика Форумида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди

Шу тариқа сараланган мутахассислар фаолиятига оид кўргазма Форумнинг иккинчи кунини бошлаб берди. Кўргазмада иштирокчилар фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассаса фаолияти, уларнинг бир қатор лойиҳа ва ишланмалари намойиши барчанинг эътиборини тортди. Аҳамиятли томони шундаки, бу ердаги инновацион ишланмалар, маҳсулотлар ва турли лойиҳалар бевосита ёш мутахассисларнинг амалий фаолияти билан уйғун ҳолда юзага келган.

(Давоми 2-саҳифада).

УзА сурати

Эътибор ва эҳтиром

Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида «Ёш мутахассислар» II Республика Форуми совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

Қизғин давом этган Форум ишининг якуни сифатида ташкил этилган тантанали тадбирда «Энг фаол ёш мутахассис» республика кўрик-танловининг Республика тармоқ босқичларида 1-, 2- ҳамда 3-ўринни қўлга киритган энг фаол ва иқтидорли ёш мутахассислар тақдирланди. Маросим таниқли санъаткорларимизнинг куй-қўшиқлари уйғунлигида янада файзли кўриниш олди...

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда ёшларимизга кўрсатилаётган эътибор юксак эътирофга лойиқ. «Ёш мутахассислар» II Республика Форуми ҳам ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни муносиб рағбатлантириш, ёш авлод вакилларида Ватан туйғуси ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга кўмаклашиш мақсадларига хизмат қилди. Шунингдек, ёш мутахассисларнинг демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, теран фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, иқтидорли ёшларнинг ижтимоий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшларда ўзи танлаган касбга нисбатан ҳурмат ва фахр туйғусини ошириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

... Энг ҳаяжонли дақиқалар — танлов ғолиблари ичидан аниқланган энг фаол ва ташаббускор, республикамиз иқтисодиётини юксалтиришга ҳисса қўшувчи лойиҳаларга эга ёш мутахассисларни мукофотлаш бошланди. Тошкент ахборот технологиялари университети ассистенти Саида Бекназарова, Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти катта илмий ходими Ойбек Абдуллаев ҳамда Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази Маслаҳат поликлиникаси стоматологи Санжар Шаропов ўз лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда «Сувсоз» давлат унитар корхонаси етакчи муҳандиси Жамшид Зокиров, Муборак ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси Нодира Умировага хорижда малака оширишлари учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан махсус грант ва йўлланмалар топширилди. Шунингдек, икки нафар ёш мутахассис — Тошкент вилояти Қибрай туманидан якка тартибдаги тадбиркор Шавкат Юсупов, Бухоро вилояти Пешку туманидаги «Шуҳрат-Машсервис» масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори Шерзод Раҳмоновга Савдо-саноат палатаси томонидан чет элдаги ўқиш курсларига йўлланма тақдим этилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

НАМАНГАН

Поп туманида болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

САНЪАТСЕВАРЛАРГА СОВҒА

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2 миллиард 433 миллион сўмдан зиёд маблағи эвазига барпо этилган бино архитектура ва шаҳарсозлик талаблари асосида барча қулайликларни ўзида мужассам этган.

— Бу ерда бир йўла 168 нафар ўқувчи учун ўзбек халқ чолғулари, фортепяно, баян-аккордеон, анъанавий хонандалик, рақс, тасвирий санъат каби олти йўналишда санъат сирларини ўзлаштириш имкониятлари мавжуд, — дейди мактаб директори Аҳмаджон Давронов. — 300 миллион сўмликдан зиёд мусиқа асбоблари ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминланган синфхоналар ўқувчилар ихтиёрида.

ФАРҒОНА

Фарғонада «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида талабалар форуми бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Фарғона вилояти ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ёшларнинг ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни турли ёт ғоя ва иллатлардан асрашга қаратилди.

— Турли оммавий таҳдидлар, одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари, ахборот хуружлари ва улардан ҳимояланишга оид долзарб мавзулардаги мулоқотлар ҳуқуқий билим ва дунёқарашимизни янада мустаҳкамлашга ёрдам берди, — дейди Фарғона давлат университети талабаси Наргиза Абдулазизова.

Форум доирасида «Ёшлар диний экстремизм ва терроризмга қарши», «Диний экстремизм — тинчлик кушандаси» сингари мавзуларда ўтказилган давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотларда буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, бой илмий-ижодий меросини ўрганишга, шунингдек, ёшлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 25 августдаги Фармонига мувофиқ кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ёш авлодни Ватанимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашдаги хизматлари учун юз ёшдан ошган бир гуруҳ юртдошларимиз «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Мамлакатимизда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин намунаси бўлган бундай шараф Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида истиқомат қилувчи 106 ёшли Ойша Эримбетовага ҳам насиб этди.

Бир асрдан зиёд умри давомида турмушнинг кўп оғир синовларини бошдан кечирган онахон икки фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Бугунги кунда 10 набира, йигирмадан ортиқ чеваро эвара ардоғида кексалик гаштини сураётган Ойша момо шундай дориломон кунларга етказгани учун шукрона айтади. Ёшларга юртимиздаги тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш, мустақиллик берган неъматлардан самарали фойдаланишни уқтиришдан чарчамайди.

— Бу кекса бош неларни кўрмади, лекин бугунгидек тўкин-сочин, эмин-эркин замон бўлмаган, — дейди Ойша момо дастурхонга ишора қилиб. — Айниқса, ёшларга яратиб берилаётган кенг шароит ва имкониятлар, кексаларга кўрсатилаётган улкан ҳурмат-эътибордан кўнгиллар тоғдек кўтарилади. Буларнинг барига сабабчи бўлиб турган Юртбошимиз омон бўлсин!

Элликқалъа тумани ҳокимлиги вакиллари ва маҳаллакўй Ойша момо Эримбетова хонадонига ташриф буюриб, онахонни табриклашди, эсдалик совғалари топширилди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал миллий армиямизнинг барпо этилгани мамлакатимиз тинчлиги ва фаровон ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлмоқда. Армияни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш баробарида ҳарбийларимизнинг хизмат ва яшаш шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда рағбатлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Мардликнинг муносиб эътирофи

11 сентябр — «Мардлик» ордени таъсис этилган кун

«Мустақиллик», «Амир Темур», «Жалолиддин Мангуберди» орденлари, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун» каби медаллар давлатимизнинг мудофаа қудратини юксалтиришга ҳисса қўшаётган ҳарбийларимиз меҳнатини қадрлаш, шу билан бирга, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашга хизмат қилаётир.

Президентимиз ташаббуси билан «Мардлик» орденининг таъсис этилгани бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

«Мардлик» ордени 1 микрон қалинликда олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади. Орденнинг баландлиги 50 миллиметр, эни 41 миллиметр, қалинлиги 4,5 миллиметр.

Орден нишони йиғма, унинг асоси тилла ранг нақшинкор парчинлари бўлган кўк эмал ҳошияли шаклдор геральдик қалқон кўринишида бўлиб, унга саккиз қиррали юлдуз бириктирилади. Юлдуз қирралари тарам-тарам бўлиб таралаётган заррин нурлар кўринишида бажарилган.

Саккиз қиррали юлдузга нақшинкор парчинлари бўлган, қадимий услубда акс эттирилган думалоқ шарқона қалқон кўринишидаги диаметри 30 миллиметрли қоплама медалон бириктирилади. Қалқоннинг ҳар иккала ён томони ғалаба, шон-шуҳрат ва мукофот рамзи бўлган қаварик, тилла ранг-ли дафна япроқларидан гулчамбар кўринишида ҳошияланган.

Шарқона қалқондан юқорида мовий рангда эмалланган олтин қопланган ярим ой ва юлдузли мусамман — Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг муқаддас рамзлари тасвирланган. Мусамман ёнларида саккиз қиррали юлдуз фонида миллий ор-номус ва қадр-қиммат, она юртни ҳимоя қилишга шайлик рамзи бўлган, ўзаро кўндаланг кесишган иккита қадимий шарқона қилич эфеси (даста беламаги), қуйи томонда эса уларнинг узун қайрилма тиғларининг учлари қаварикли тасвирланган.

Орден нишони композициясини Ватан ҳимоячисининг ҳаёт сарчашмаси ифодаси бўлган асосий рамзий белги — чор атрофга таралаётган заррин қуёш нурлари акс этган оқ рангли эмал фонидаги қалқон марказида жойлашган бўртма тасвири якунлайди.

2012 йил 11 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ «Мардлик» —ордени билан ўзини Ватанни ҳимоя қилишга ва она юрт хизматига бағишлаган, мардлик ҳамда жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланади. Алоҳида ҳолларда «Мардлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

Президентимизнинг 2014 йил 10 январдаги Фармони билан давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар «Мардлик» ордени билан тақдирланди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси, сержант Беҳзод Рўзибоев ҳам бор.

— Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ишига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман, — дейди Б.Рўзибоев. — Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг биз, ҳарбий хизматчиларни рағбатлантиришга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида янада фидойилик кўрсатишга, юксак дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундайди.

Мамлакатимиз ўз олдига буюк мақсадларни қўйган. Уларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган, эл-юрт тинчлиги ва равнақи учун ўзини аямайдиган мард ва фидойи инсонлар доимо эъзоз ва эътирофга муносибдир.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Тошкентда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси ва БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясининг 25 йиллиги билан боғлиқ масалаларни ёритишда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг салоҳиятини оширишга доир лойиҳанинг мақсад ва вазифаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ва БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида 2014-2015 йилларда амалга оширилади.

Лойиҳа оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган давлат дастурлари, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси, бола ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчиликнинг асосий мазмун-моҳияти ва бошқа масалалар юзасидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича ҳудудий нашрлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ходимларининг малакасини оширишга йўналтирилган.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро меъёрларга мос мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганини таъкидлади. Ўзбекистон МДҲда биринчи бўлиб 1991 йил ноябр ойида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди, ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашни устувор йўналиш сифатида белгилаб олди.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси, Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция, Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва уларга барҳам беришга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенция ҳамда бошқа қатор халқаро ҳужжатларга қўшилгани бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш, тегишли ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратиш имконини берди. Бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлод вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликлари юздан зиёд қонун билан тартибга солинмоқда.

Тадбир иштирокчилари болалар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар давлат даражасида амалга оширилаётгани ҳақида аҳолини хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари муҳим робита бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Шу боис мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада фаоллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Қўшма лойиҳанинг амалга оширилиши бола ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни ёритишда журналистлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ходимлари касб маҳоратини ошириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон — мутахассислар
МАМЛАКАТИ

Ishonch
2014-yil 11-sentabr № 113 (3462)

Эътибор ва эҳтиром

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Аввало, камтарона меҳнатим юқори баҳоланиб, грантга муносиб деб топилганимдан хурсандман, — деди чет элдаги ўқиш курсларига йўлланмани қўлга киритган якка тартибдаги ёш тадбиркор Шавкат Юсупов. — Бундан руҳланган ҳолда менда имконияти чекланган ёшлар ҳамда «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларига касб ўргатиш ва уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар мактабини очиш фикри туғилди.

— Очиғи, ҳаяжондаман. Мана шундай имкониятлар яратиб берилаётгани, бизни янги ютуқ ва изланишлар сари ундайди, — деди Қашқадарё вилоятидаги Муборак ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг ўқитувчиси, хорижда малака ошириш курсига йўлланмани қўлга киритган ёш мутахассис Нодира Умирова. — Форумда коллеж ўқувчиларининг ўз мутахассислиги бўйича инглиз тилини ўрганиш ҳамда билимини мустаҳкамлаш танловини ўтказиш лойиҳаси, шунингдек, амалий иш сифатида тайёрланган қурилма (термометр) билан қатнашдим. Ушбу термометр бир вақтнинг ўзида ҳам компютер процессоридаги ҳароратни, ҳам хона ҳароратини ўлчайди ва маълумотни LCD дисплейида кўрсатади. Бу — ҳароратни доимий меъёрлаштириб бориш имконини беради. Келажакда бу борадаги изланишларимни давом эттириб, янада юқори натижаларга эришиш ниятидаман.

— «Хавфли омилларни интеграл баҳолаш тизимида юз-жағ соҳасидаги туғма нуқсоннинг шаклланишини аниқлаш» мавзуидаги илмий-тадқиқот ишим билан «Энг фаол ёш шифокор» танловининг Республика босқичи ғолиби сифатида эътироф этилгандим. Эндиликда махсус грант соҳиби бўлдим, — деди Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази Маслаҳат поликлиникаси стоматологи, Форумнинг махсус гранти соҳиби Санжар Шаропов. — Грантдан фойдаланган ҳолда келгусида юз-жағ нуқсони шаклланиши хавфини аниқлаш ва профилактика усулларини ишлаб чиқишга оид лойиҳамни янада ривожлантириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш борасидаги изланишларимни давом эттираман. Энг муҳими, билдирилган ишончни оқлаш — биз ёш мутахассисларнинг энг асосий вазифамиз бўлмоғи лозим.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирок этди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Кўрик-танлов

Касаба уюшмалари фаолиятида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётир. Корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда тегишли қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан жамоат назорати ўрнатилган. «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши жамоат назоратини ташкил этиш» юзасидан ўтказилаётган кўрик-танловлар ушбу фаолиятнинг тўлақонли бажарилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барчаси ўзимизга боғлиқ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2014 йил 26 майдаги ҳамда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Раёсатининг 2014 йил 2 июлдаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида кўрик-танловнинг 2-босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

— Кўрик-танлов республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилиб, унда 100 дан зиёд корхона ҳамда ташкилотлар иштироки таъминланди, — дейди Республика кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Хуршид Умаров. — Мазкур босқичда «Энг яхши корхона», «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинацияларида ғолиблар аниқланди.

«Энг яхши корхона» номинацияси бўйича биринчи ўрин Қашқадарё вилоятидаги Косон ёғ-экстракция очиқ акциядорлик жамиятига, иккинчи ўрин Хоразм вилояти Гурлан пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамиятига, учинчи ўрин Бухоро вилоятидаги «Бухородонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятига насиб этди.

«Энг яхши касаба уюшма қўмитаси» номинациясида эса 1-ўринга Бухоро вилояти «Шоҳруд» очиқ акциядорлик жамияти, 2-ўринга Навоий вилояти «Навоийдонмаҳсулотлари» корхонаси, 3-ўринга Қорақалпоғистон Республикаси Нукус вино заводи муносиб кўрилди.

«Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинацияси бўйича Жиззах вилояти Зарбдор Элеватор ОАЖ вакили Ойбек Ўролов (1-ўрин), Боғот Тошсоқа ирригация тизими бошқармасидан Абдулла Пирназаров (2-ўрин), Шаҳрихон Агротехсервис МТП МЧЖдан Бўрибой Турдиев (3-ўрин) кучли учликни ташкил этди.

Зубайда Жўраева, Бухоро шаҳридаги «Шоҳруд» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси:

— 181 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоамизда иш жойлари кўнгилдагидек ташкил этилган. Ҳар бир ишчи махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Бошланғич ташкилотимиз қошида 3 кишидан иборат меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия фаолият кўрсатмоқда.

Албатта, меҳнат муҳофазаси бўйича фаолиятимизни талаб даражасига етказишда ўтказилган кўрик-танловлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги ғолиблик ҳам фаолиятимизга берилган рағбат бўлиб, уни амалий ишимиз билан оқлашга ҳаракат қиламиз.

Холмўмин Муллаёров, Косон ёғ-экстракция очиқ акциядорлик жамиятининг меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандиси:

— Фаолиятимизга назар ташлар эканман, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқлигига имон келтираман. Чунки 951 киши меҳнат қилаётган корхонамизда барча иш жойлари шаҳодатдан ўтказилган. Шу боисдан ҳам ўтган йили ва жорий йилнинг ўтган вақти давомида бу ерда нохуш ҳодиса юз бермади. Шунинг ҳисобига «Энг яхши корхона» номинацияси бўйича ғолиб бўлдик. Бу бизни янги муваффақиятларга руҳлантиради.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жумладан, йиғилганлар ёш мутахассисларнинг илм, фан, техника йўналишларидаги инновацион ғоя ва лойиҳалари, замонавий ахборот коммуникация технологиялари соҳасидаги дастурий янгиликларни ўз ичига олган тадқиқотлари, таълим соҳасидаги янги дарслик ва дастурлари, ёш шифокор ҳамда технологларнинг самарали лойиҳалари, ҳунармандчилик, фермерлик, оилавий бизнес соҳасидаги изланишлар самарасига оид кенг маълумотларга эга бўлдилар.

— Навоий вилоятининг Кармана туманиданман. Ўтган йили Тошкент юридик коллежини тамомлаб, 37 гектар ер майдонида фермерлик фаолиятини бошладим, — дейди «Ёш мутахассислар» II Республика Форуми иштирокчиларидан бири, Навоий вилояти Кармана тумани «Обод турмуш келажаги» фермер хўжалиги раҳбари Наргизахон Маманова. — Ҳозирда 5 гектар боғимиз ҳам бор. Шунингдек, асаларичилик билан шуғулланаяпмиз. Натижада, 20 нафар кишини иш билан таъминладик. Ўтган йили 22 гектар ерга пахта экиб, режадаги 80 тонна ўрнига 100 тонна пахта ҳосили олишга муваффақ бўлдик. Олган даромадимиздан Голландияда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо ҳайдов трактори харид қилиб, иш жараёнида янада енгилликлар яратдик.

Асосий эътиборни кўп тармоқли фермер хўжалигини янада ривожлантиришга қаратганимиз боис бугунги кунда етти гектар

Иқтидор, ташаббус ва фаоллик

ёшларимиз эришаётган муваффақиятлар гарови бўлаётир

майдонда интенсив боғ яратаяпмиз. Шунингдек, келажакда ғишт заводини ишга туширириб, ўзимга ўхшаган кўплаб ёшларнинг бандлигини таъминлашни мақсад қилганман. «Энг ёш фермер» йўналишида вилоятда биринчи, республикада учинчи ўринни эгалладим. Бу ўз олдимга қўйган мақсадларимни амалга оширишимга янги куч-қувват берди.

Дарҳақиқат, кўргазма билан танишиш асносида ёшларимизнинг нечоғли интилувчан ва иқтидорли эканига гувоҳ бўлдик. Ҳунармандчилик билан олти йилдан буён шуғулланаман, — дейди нукуслик якка тартибдаги ҳунарманд Дилноз Адилчаева. — Асосан қўлда ёғочдан қўғирчоқлар ясайман. Қорақалпоқ қизлари турмушга чиқаётганда кийиладиган миллий либослар тикаман. Ҳозирда эса унутилиб бораётган қадимий нақшларни замонга мослаб либосларга тикиш устида изланаяпман. Келажакда етук дизайнер бўлиб, яратаётган ижод намуналарим орқали Ўзбекистон довруғини янада дунёга танитишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

* * *

9 сентябр, соат 10.00. «Ёш мутахассислар» II Республика Форумининг расмий очилиш маросими «Ёшларга оид давлат сиёсати» ролиги намойиши билан бошланди. Унда юртимизда мустақилликнинг илк йилларидан ёшларга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар бир соҳада яратиб берилаётган кенг имконият ва шарт-шароитлар натижасида эришилаётган улкан ютуқ ва муваффақиятлар, Республикамиз Президентининг ёшларга қарата айтган ғурур ва фахрга тўла фикрлари акс эттирилган бўлиб, давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар эътирофи дилларни жунбушга келтирди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева Форум иштирокчиларини самимий қутлаб, жумладан, шундай деди:

— Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбарининг ёшларга қарата: «Сизлар қаерда, қайси соҳада бўлмасин — билим олиш, илму фан чўққиларини эгаллаш, энг замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштириш, бизнес соҳасини ривожлантиришда, спорт майдонларида Ўзбекистоннинг шуҳратини тараннум этишда барчага намуна бўлаётганингиз, сўзсиз, ҳаммамизни қувонтиради», дея айтган сўзлари барча юртдошларимиз кўнглини фахр ва ифтихорга тўлдирди. Бугун мамлакатимиз ёшларининг ҳар бир соҳада ўз иқтидорларини намоён этишлари, янги марраларни қўлга киритишлари, ўзлари танлаган соҳада илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб боришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, 1991 йил ноябрида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, ёш авлодни тарбиялаш ва катта ҳаётга тайёрлаш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш мустақил Ўзбекистон давлатининг устувор вазифаси этиб белгиланганлиги ўша пайтдаёқ узоқни кўзлаб иш тутилганидан далолат беради. Шундан келиб чиқиб, юртимизда ёшлар ҳуқуқларини барча соҳаларда ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар тўла шакллантирилди, ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар бошқа соҳалар билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда бошқа мамлакатлар тажрибасида учрамайдиган йўналиш — ёшлар-

минлади. «Энг фаол ёш тадбиркор» номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллаган «Шуҳрат Машсервис» МЧЖ ижрочи директори Шерзод Раҳмонов изланувчанлиги натижасида паррандачилик мини-фабрикалари учун зарур бўлган ҳамда қўл меҳнатини бир неча баробарга енгиллаштирувчи «Орзу-1» ва «Орзу-2» ускуналари яратилган. «Энг фаол ёш темирйўлчи» танлови ғолиби, Тошкент темир йўл масофаси иқтисодчи-муҳандиси Ваҳобжон Тўхтаев берк йўлларда вагонларни тутиб қолувчи, натижада юқори хавфсизликни таъминловчи янги мослама яратган.

— Ушбу танловнинг Республика босқичида иккинчи ўринни қўлга киритдим. Ҳунармандчилик билан олти йилдан буён шуғулланаман, — дейди нукуслик якка тартибдаги ҳунарманд Дилноз Адилчаева. — Асосан қўлда ёғочдан қўғирчоқлар ясайман. Қорақалпоқ қизлари турмушга чиқаётганда кийиладиган миллий либослар тикаман. Ҳозирда эса унутилиб бораётган қадимий нақшларни замонга мослаб либосларга тикиш устида изланаяпман. Келажакда етук дизайнер бўлиб, яратаётган ижод намуналарим орқали Ўзбекистон довруғини янада дунёга танитишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

* * *

9 сентябр, соат 10.00. «Ёш мутахассислар» II Республика Форумининг расмий очилиш маросими «Ёшларга оид давлат сиёсати» ролиги намойиши билан бошланди. Унда юртимизда мустақилликнинг илк йилларидан ёшларга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар бир соҳада яратиб берилаётган кенг имконият ва шарт-шароитлар натижасида эришилаётган улкан ютуқ ва муваффақиятлар, Республикамиз Президентининг ёшларга қарата айтган ғурур ва фахрга тўла фикрлари акс эттирилган бўлиб, давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар эътирофи дилларни жунбушга келтирди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева Форум иштирокчиларини самимий қутлаб, жумладан, шундай деди:

— Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбарининг ёшларга қарата: «Сизлар қаерда, қайси соҳада бўлмасин — билим олиш, илму фан чўққиларини эгаллаш, энг замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштириш, бизнес соҳасини ривожлантиришда, теллектуал дастурлар кўламини кенгайтириш, ёш мутахассисларнинг махсус сайти ёки порталини яратиш, доимий онлайн мулоқотни йўлга қўйиш, санъат, спорт каби йўналишлар қатори фан-техника соҳасида ҳам болаларга кичик ёшданоқ билим ва кўникма бериш масалаларининг ўртага ташлангани мазкур анжуман ёшларда катта қизиқиш уйғотганидан, уларни ташаббусга чорлаётганидан далолат, десак янглишмаган бўламиз.

— Форум ташкилотчилари ва мутахассислар иштирокидаги мулоқот менда катта таассурот қолдирди. Яна бир бор тенгдошларимнинг ташаббускорлигига, ҳуқуқий маданиятга эга эканликларига амин бўлдим, — дейди Тошкент вилояти Паркент тумани «Баҳор илҳоми» оилавий корхонаси раҳбари Гулбаҳор Руҳиддинова. — Мен ҳам фаол тенгдошларимдан ўрнак олган ҳолда ўтган йили май ойидан 20 нафар малакали тикувчи билан ўз тадбиркорлик фаолиятимни бошлаганман. Ҳозирда улар сони 60 нафарга етди. Асосан болалар учун трикотаж буюмлари ишлаб чиқарамиз. Келажакда фаолиятни янада кенгайтириб, кўплаб иш ўринлари очишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Шунингдек, ташқи бозорга чиқишни ҳам ният қилганмиз.

* * *

Форум ёш мутахассисларга ўз иқтидорларини намойиш этиш, республикамиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш борасидаги саъй-ҳаракатларини янада ривожлантириш имконини берди. Хусусан, ёш мутахассислар билан секция машғулотлари ташкил этилди. «Ёш мутахассисларнинг меҳнат жараёнига киришишидаги долзарб масалалар» мавзуида ташкил этилган секция машғулотларида ёш мутахассисларни ишга қабул қилиш, уларнинг ижтимоий мослашуви, «Устоз-шогирд» анъанаси йўналишларида иш олиб борилди. «Ёш мутахассисларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари» мавзуидаги секция машғулотларида ижтимоий-меҳнат муносабатлари, иш ҳақи, меҳнат таътили каби мавзулар бўйича ёшларга зарур кўникмалар берилди. «Ёш мутахассислар бўш вақтини мазмунли ташкил этишнинг долзарб масалалари», «Ёш мутахассислар хизмат даражаси кўтарилишининг долзарб масалалари» мавзуларидаги машғулотлар барчада катта қизиқиш уйғотди. Секция машғулотларидан сўнг ёш мутахассисларнинг инновацион ишланма ва ғоялари, лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

— Энг аввало, бундай нуфузли Форумда иштирок этишнинг ўзи катта муваффақият. Меҳнатим ва изланишларим зое кетмаганидан жуда хурсандман. Чунки, танловнинг «Энг фаол ёш тарбиячи» йўналишида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Бундан жуда бахтиёрман, — дейди Самарқанд шаҳридаги 15-МТМ тарбиячи ёрдамчиси Феруза Жўраева. — Шу билан бирга, танловда эришган натижаларим менга янада улкан масъулият юклади. Секция машғулотларида меҳнат муносабатлари, мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида ходимларга яратилган турли имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдик. Бу эса ёш мутахассислар учун айни муддао бўлди. Энг муҳими, амалий фаолият билан биргаликда тинимсиз ўқишимиз, изланишимиз лозимлигини англадим.

* * *

Форум доирасида ташкил этилган кечки маданий тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ва бир гуруҳ ижодкорлар билан учрашув ўтказилди. Унда она Ватан, Мустақиллик берган имкониятлар, меҳр-оқибат, муҳаббатни мадҳ этувчи шеърлар дилтортар қўшиқларга уланиб кетди.

— Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат ҳиссини кучайтириш, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этишда бу каби маданий тадбирларнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг гўзал шеърлари, истиқлол неъмати, халқимизга хос ноёб фазилатлар борасидаги фикрлари барча тенгдошларимда илиқ таассурот қолдирди, — деди Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси Озода Мамадалиева.

* * *

Форумнинг учинчи куни иштирокчилар «GM Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонасига ташриф буюришди.

Таъкидлаш жоизки, 2011 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур қўшма корхонада йилига 225 минг дона автомобил двигателлари тайёрланмоқда. Ишлаб чиқаришда яшил иқтисодиётга йўналтирилган технологияларни жорий этиш корхона фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу ерда иш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, ҳосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишлаш тизими яратилган. Ҳавога чиқадиган газ ва чангни ушлаб қоладиган замонавий қурилманинг иш самарадорлиги жуда юқори.

Қўшма корхона фаолиятининг бу каби жиҳатлари ёш мутахассислар эътиборини тортмай қолмади.

Форум иштирокчилари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам бўлишди. Юртимизда қадимдан маънавият ва маърифат, илм-фан ва маданият қадрланган. Мустақиллик йилларида халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган кўплаб маърифат масканлари барпо этилмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг замонавий кошонага жойлаштирилгани эса мамлакатимизда маънавият ва маърифат ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир исботидир.

Миллий кутубхонадаги бой ва нодир ахборот-кутубхона фонди маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир. Кутубхонанинг янги биносидан китоблар музейи, ўқув заллари, китоблар дўкони, киномарказ, интернет ва медиамарказ, болалар хонаси, дам олиш хоналари ўрин олган. Янги бино замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, автоматлаштирилган яхлит ахборот-кутубхона тизимига эга. Ахборот-кутубхона фондини белгиланган меъёрлар асосида сақлашнинг автоматлаштирилган тизими мавжуд. Кутубхонанинг ўқув залларига электрон каталог, интернет ва электрон маълумотлар базасига уланган компютерлар ўрнатилган. Илмий ходимлар, тадқиқотчилар учун алоҳида қулайликлар яратилган.

Симпозиумлар саройи ҳам ёш мутахассисларда ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотгани шубҳасиз. Йирик илмий анжуманлар, халқаро симпозиумлар ўтказиладиган сарой ўзининг кўрку салобати, бетакрор меъморий ечими, безаклари билан нафақат минтақамизда, балки жаҳонда ҳам ноёб ҳисобланади.

Сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳобатли мармар устунлар, мовий гумбаз шарқона меъморчилик анъаналари давом этаётганидан далолат. Симпозиумлар саройининг 1000 ўринли катта зали ўз маҳобати билан кишини ҳайратга солади. Зал замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Барча компютерлар интернетга симсиз уланган.

— Форум доирасида йирик корхоналарга, маънавий-маърифий масканларга уюштирилган ташрифлар билим ва кўникмаларимизни янада бойитди, — дейди Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши етакчи мутахассиси Бобомурод Хўжаёров. — Хусусан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Симпозиумлар саройига ташриф чоғида қалбим ғурурга тўлди. Масалан, кутубхонанинг ўқув залларига электрон каталог, интернет ва электрон маълумотлар базасига уланган компютерлар ўрнатилган. Кутубхонадан фойдаланувчилар учун алоҳида қулайликлар яратилгани ҳам диққатга сазовор. Шунингдек, «GM Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси фаолияти мени ҳайратга солди. Корхонада мураккаб технологияларда бемалол фаолият юритаётган ёшларни кўриб кўнглим янада фахрга тўлди.

Форум иштирокчилари, пойтахтимизнинг бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументига ташриф буюриб, Бахтиёр она ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар.

Форум доирасида пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида ташкил этилган тантанали тадбирда энг иқтидорли ва ташаббускор ёш мутахассисларга махсус мукофотлар топширилди.

Анжуман якунига кўра Форум Резолюцияси қабул қилинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.
Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ХАСАНОВ
олган суратлар

■ Истиқлолим — истиқболим

СОҒЛОМ ИНСОН — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Туманимиздаги айрим аҳоли пунктлари вилоят марказидан юз километрча олисда жойлашган. Ҳудудимиздаги 147 минг нафардан ортиқ аҳолининг 125 минг нафари қишлоқ жойларида яшайди. Шунга қарамай, турмуш шароити шаҳардагидан деярли фарқ қилмайди. Эркин меҳнат қилиб халққа ва ўзига наф келтириш учун барча қулайликлар муҳайё. Биз ана шундай фидойи, бунёдкор ва истиқболи порлоқ инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида фаолият кўрсатаётганимиздан фахрланамиз.

Сўнгги 2-3 йил мобайнида туман тиббиёт бирлашмаси ва касаба уюшма қўмитаси ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди. Бултур туман марказида Инвестиция дастури бўйича 250 қатновга мўлжалланган, энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кўп тармоқли марказий поликлиника биноси фойдаланишга топширилди. Марказий шифохонанинг 5 та бўлимида 9,5 млрд. сўмлик мукаммал таъмирлаш, реконструкция ишлари бажарилиб, бемор ва шифокорлар учун қулайлик яратилди.

«Саломатлик-3» дастури доирасида марказий шифохона диагностика бўлими, кўп тармоқли марказий поликлиника замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шунингдек, бирлашма бўлимлари ҳомийлик ёрдами билан 1 млрд. сўмлик тиббий асбобларга эга бўлди. Ривожлантириш маблағлари ҳисобига 13,2 млн. сўмлик юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар харид қилинди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ҳомиладор аёллар саломатлигини муҳофаза қилишга эътибор ҳар қачонгидан кучайтирилди. Шунингдек, тумандаги барча умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар таълими муассасаларининг 20 минг нафардан ортиқ ўқувчиси тиббий кўрикдан ўтказилди.

Кези келганда, 2579 нафар аъзога эга бўлган касаба уюшма қўмитамизнинг фаоллиги ҳам кескин ошганлигини таъкидлашни истардим. Биз иш берувчи билан имзолаган 2013-2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида кўзда тутилган талаблар асосида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга, саломатликларини муҳофазалаш, иш ва турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишга, фарзандларини соғломлаштиришга эътиборни кучайтираяпмиз.

Ана шу жараёнда ходимларнинг касаба уюшмасига ишончи ортаяпти. Шу боисдан нодавлат ташкилотларининг сафимизга қўшилиши кўпаймоқда. Масалан, хусусий дорихоналар ҳисобидан 16 нафар ходимни касаба уюшма аъзолигига қабул қилган бўлсак, «Абдурашид Меҳмон шифо» хусусий касалхонасидан 80 нафар ходим бир йўла сафимизга қўшилди. Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ходимларимиз тарафидан санаторийларда дам олиш истаги кўпаяётганлиги, оммавий спортнинг кенг қулоч ёяётгани, маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигининг ошиши, болалар саломатлиги йўлидаги ижобий ўзгаришлар ва бошқа бир қатор ҳаракатларимиз жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Дурназар ҚУРБОНОВ,
Қоракўл туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

■ Тиббиёт

Э.Жўраев, Т.Аҳмедов, Ю.Усмоновнинг елиб-югуриши фидойиликлари сабаб, 1963 йили Наманган туман шифохонаси жарроҳлик бўлими базасида проктологик касалларни даволаш маркази ташкил этилди. Дастлаб бир қатор муаммо ва қийинчиликларга дуч келинган бўлса-да, астойдил ишга киришган мутахассислар барча тўсиқларни енгиб ўтишди.

ШИФОХОНА КЕНГАЙМОҚДА

Шифо масканини ташкил этишда жонкуярлик кўрсатган, республикадаги саноқли проктолог врачлар ичида энг малакалиси ҳисобланган Эркин Жўраевни барча ҳурмат билан тилга олади. Чунки унинг раҳбарлигида 160 нафардан ортиқ тиббиёт ходими иш билан таъминланиб, шифохона фаолияти даврида юз минглаб беморлар даволанган.

Шифохона йиллар ўтиши билан тўла шаклланди. «Ж.Эркин» хусусий проктология шифохонасига айлантирилиб, барча турдаги йўғон ва тўғри ичак хасталикларини даволаш ишлари олиб борилди. Бу ерда айни дамда 100 га яқин тиббий ходим фаолият юритмоқда. Олий тоифали проктологлар, 10 нафардан зиёд жарроҳ врачлар бор. Республиканинг барча ҳудудларидан шифо излаб келаётган беморлар сони йилдан-йилга ошиб бораётир. Улар бу масканда юқори савияли мутахассислар хизматидан баҳраманд бўлиб, шифокорларга қайта-қайта миннатдорлик билдиришади. Вазият шифохона филиалларини очишни тақозо этди. Айниқса, водий аҳолисига қулайликлар яратиш борасидаги ҳаракатлар зое кетмади. Шифохонанинг Андижон вилояти Хўжаобод туманида «Зайнаб» кичик тиббий филиали очилди. 2010 йилда хотин-қизлар учун алоҳида шифохона очишга ҳам эришилди. Наманган туман «Эшобод» маҳалласида «Проктосервис» МЧЖ аёллар бўлимида барча ёшдаги хотин-қизларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

— 2013 йилдан «Ж.Эркин» хусусий проктология шифохонаси янги — «Амирбек Медикал» МЧЖ колопроктология шифохонаси номи билан ўз фаолиятини давом эттирмоқда, — дейди шифохона бош шифокори, 32 йиллик иш тажрибасига эга шифокор Қосимжон Умирзоқов. — Асосий биномиз уч қаватдан иборат бўлиб, беморларнинг даволанишлари учун барча шароитлар яратилган.

Баҳром МУРОДОВ

БАХТ ИЗЛАБМАН...

Дилга шодлик тўлиб соғимда,
Чирсиллаб қон ол яноғимда,
Бу онларнинг етмай қадрига,
Бахт излабман бахтли чоғимда.

Ошиқларим куйса доғимда,
Гуллари яшнаб қучоғимда,
Телба кўнглим назарга илмай,
Бахт излабман бахтли чоғимда.

Никоҳ узуги бармоғимда,
Ишқдан ёнса нур қароғимда,
Саркаш хаёлларим не қўмсаб,
Бахт излабман бахтли чоғимда.

Лочинларим турса тоғимда,
Фарзандларим-чи, ардоғимда.
Бундан ортиқ бахт борми ахир,
Бахт излабман бахтли чоғимда.

Олма, анор пишса боғимда,
Ҳар кун луқмам бор қармоғимда.
Бори турса тўкис йўлимда,
Бахт излабман бахтли чоғимда.

Онамнинг нони димоғимда,
Отам ўгити қулоғимда.
Шундай имкон яна қайда бор,
Бахт улашгум бахтли чоғимда.

Ҳимоят НАЗАРОВА,
Гулистон тумани

■ Дил изҳори

МИННАТДОРМАН

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Соғлом бола йилида аёлларга эътибор берилиб, эҳтиёжманд оилаларга электр маиший жиҳозлари улашилиши мен ва оила аъзоларимизнинг қалбини тоғдек кўтарди.

Бундан уч йил аввал турмуш ўртоғим бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган эди. Уч нафар фарзандим билан боқувчисиз қолдик. Лекин орамизда яхши инсонлар кўплигига шукроналар айтаман. Гулистон шаҳридаги «Гул рен текс» қўшма корхонасига тикувчи бўлиб ишга кирдим. Иш жойимда, маҳаллада ёрдам беришади. Айниқса, касаба уюшма ташкилоти фаолларидан миннатдорман.

Фарида НАЗАРОВА

■ Бувим айтган ҳикматлар

Бувимнинг айтишларича, ҳар бир киши оиласидан бахт топиши учун ўз хонадони томон фаришталарга йўл очиб қўйиши керак экан. Хўш, фаришталарга қандай йўл очилади? Бунинг учун, аввало, хонадон атрофини тозалаб, саранжом-сариштa қилиш зарур.

ТОНГ — КУЧ-ҚУВВАТ МАНБАИ

Фаришталар ҳар тонгда осмондан тушиб, одамларга ризқ-насиба улашаркан. Тонгда ухлаб ётганлар ғафлатда қоларкан. Шу боис бувим бизни тонг ғира-ширасида уйғотиб, ҳовлимизни чиннидек супуриб, сув сепишга ўргатганлар. Саҳар мусаффолиги нафақат хонадонларга кўрк бағишлайди, балки бизга ҳаётбахшлик, руҳий осойишталик, бардамлик ва тетиклик улашади.

Бувижонимнинг бу ўгитларини тиб илмининг донишмандлари ёзган асарларда ҳам ўқиб ҳайратда қолдим. Алломаларнинг эътироф этишларича, инсон саломатлиги учун ҳар тонгни хуш кайфият билан қаршилаш, қуёшдан аввал уйғониш катта ҳаётбахш қувватга эга экан. Замонавий тиббиёт ҳам бугун қуёшнинг илк нурларида инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали моддалар бўлишини илмий жиҳатдан исботлаб берди. Бу ҳақиқатларни китоблару интернет саҳифаларидан ўқиб, бувим ҳам бу илмдан хабардор экан, деб ўйладим ва уларни саволга тутдим. Минг афсуски, бувим тиб олимларининг бирорта ҳам асарини ўқимаганлар, замонавий тиббиётдан ҳам бехабар бўлганлар. Аммо авлоддан авлодга ўтиб келаётган оиламиз аньаналари ва қадриятларида бу ҳикмат ўз аксини топган. Мен бувимдан, бувим бувисидан ўрганган одобу урф-одатлар замирида халқимиз даҳосининг тимсолини кўраман. Мен бувижонимдан билиб олган ҳақиқат ҳам аслида шунда.

Қундуз СУЛТОНОВА,
Тошкент шаҳри

ШУКРОНА

Туман аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан менга Республика уруш ва меҳнат фахрийларининг «Олтиариқ» сиҳатгоҳига йўлланма берилди.

Юртимизнинг барча ҳудудидан келган уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, турли тоифадаги ногиронлар замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлимларда шифо топишмоқда. Бош ҳаким Шоҳсанамхон Мамаризаева, унинг ёрдамчиси Илҳомжон Аҳмедов сиҳатгоҳга келувчиларни қабул қилиш бўлимидаги Ҳурматой Мамадалиева, Иномжон Муллажоновлар юксак муомала маданияти, инсонийлик хислатлари билан дам олувчилар қалбидан жой топмоқда. Даволаш бўлимларидаги ходимларнинг ҳам иш тажрибалари юқори. 1-бўлимдаги даволовчи ҳаким Ваҳоб Шералиев шундай малакали мутахассислардан. Бадантарбиячи Исроилжон Абдусаидовнинг муолажасидан кейин ҳар қандай хаста ўзини тетик ҳис қилади.

Сиҳатгоҳга келиб шифо топаётганларнинг саноғи йўқ. Шулардан бири Андижон вилояти, Балиқчи туманидан Абдурасул Турдиматов. Бош мияга қон қуйилиши натижасида чап қўл, чап оёқда ҳаракат йўқолиб, гапиришда қийналаётган бемор бир ҳафта давомида кўз ўнгимизда шифо топиб, равон сўзлашадиган ҳолатга келди.

80 ёшни қоралаган ёлғиз яшовчи Неъматжон Турдиев, иккинчи гуруҳ ногирони Муҳаммадамин Сулаймонов ҳам сиҳатгоҳда бўлганидан мамнун.

«Яхшилик қил яхшига, ҳам айтади, ҳам қайтади», деганлари шу бўлса керакда. Истиқлолимиз шарофати, осмонимиз мусаффолиги боис мана шундай сиҳатгоҳда кундан-кунга шифо топаётганимдан Яратганга шукроналар айтаман.

Эркинжон ОТАЖОНОВ,
Ўзбекистон тумани

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

2014 йилги пахта йиғим-терими мавсумида иштирок этиш учун вояга етган ҳамда пенсия ёшигача бўлган жисмонан соғлом фуқаролар мавсумий ишга таклиф этиладилар.

Сизларга пахта терим пуллари ҳар беш кунда даромад солиғига тортилмасдан бутунлигича тўлаб берилишини, иссиқ овқат билан таъминлашни ҳамда санитария-гигиена қоидаларига мос равишда меҳнат шароитлари яратиб беришни кафолатлаймиз.

Пахта йиғим-теримида иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар терим гуруҳларига киритилиши учун ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла фуқаролар йиғини раҳбариятига, вилоят (туман) Фермерлари кенгашига, жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига ёки Фермер хўжаликлари раҳбарларига мурожаат қилишлари мумкин.

Сизнинг меҳнат ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига (тел: 8-371-239-41-13, 239-45-79) ёки Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига (тел: 8-371-256-48-81) мурожаат қилиш тавсия этилади.

Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши,
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви,
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

■ Халқ санъати

Шу кунларда ҳар биримизнинг дилимизда ўзгача завқ-шавқ ҳукмрон. Истиқлол шодиёналари кўнгилларимизга сурур бахш этди. Мана шундай лаҳзаларда Президентимиз раҳнамолигида эришган юксак марраларимиз, амалга оширган бетимсол ишларимиз кўз олдимизда гавдаланади. Бу йиллар, ҳеч шубҳасиз, асрларга тенг бўлди.

«САЙХУН ЙИГИТЛАРИ»

Мустақиллик йилларида маданият муассасалари иш фаолиятини янада яхшилаш, тубдан ислоҳ қилиш, ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, халқ ижоди анъаналарини кенг тарғиб этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази томонидан халқ ижодиётининг ранг-баранг жанрлари ҳамда маданий-ижодий фаолиятнинг устувор йўналишларини ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар тайёрланди, бадиий ҳаваскорлик жамоаларига оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш, жамоаларга репертуар танлаш, қатнашчилар ўртасида ўқув-тарбия ишларини олиб боришда услубий ва амалий ёрдам берилди, репертуар тўпламлари, сценарийлар, ахборот материаллари чоп этилди.

Республикамизда бугунги кунда 300 дан ортиқ бадиий ҳаваскорлик жамоалари мавжуд. Гулистон туманининг «Сайхун йигитлари» ана шундай фолклор-этнографик ансамбллардан бири. Тўхтаниёз Тожиев, Абдували Ўролов, Равшан Зияев, Душанбой Султонов, Камолиддин Аҳмедов, Сайидмурод Гулмуродов, Насим Бобоназаров, Акбар Ўсаров каби истеъдодли ижрочилар, санъатга ихлосманд ҳаваскор ёшлардан иборат аҳил жамоа 1999 йилда «Халқ ансамбли» унвонига сазовор бўлди.

Тарихдан маълумки, Сирдарё ўтмишда «Сайхун» деб номланган. Сайхун бўйларида яшовчи халқларнинг ўзига хос удумлари, ранг-баранг маросимлари ҳозирги кунимизгача авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб, сайқалланиб келган. «Сайхун йигитлари» халқ ҳаваскорлик бадиий жамоасининг репертуари ана шу миллий меросимизни акс эттирувчи дастурлардан иборат бўлиб, ундан халқнинг азалий қадриятларини тараннум этувчи маросим қўшиқлари ва рақслари, халқ қуйлари ўрин олган.

Ансамблнинг бадиий раҳбари Мамараҳим Ҳақназаров мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, ёрқин истеъдоди ва ижоди, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— Бу мукофот нафақат менга, балки кўп йиллардан буён халқимизга хизмат қилиб келаётган жамоамизга берилган ишонч ва эътироф рамзидир. Юксак мукофот янада шижоат билан ишлашга, янгиянги марраларни кўзлаб, фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди,— дейди Мамараҳим Ҳақназаров.

Ижодий жамоа доимий изланишда. Ўтган йиллар давомида «Сайхун йигитлари» Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази томонидан ташкил этилган Бахши-шоир, оқин ва халфаларнинг Республика кўрик-танлови, Катта ашула, лапар ва ўлан ижрочиларининг «Кўҳна замин оҳанглари» Республика телетанловларида, шунингдек, 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларга эга бўлди. Бундан ташқари, байрам тадбирларида ўз санъатларини намойиш этиб, она-Ватанга муҳаббат, севги ва садоқат, бугунги нурафшон кунларимиз қадри, инсоннинг орзу-умидлари ифодаланган куй-қўшиқлари билан халқ олқишига эришиб келмоқда.

— Халқ ижоди эл донолиги, санъати маҳсули. Ёш авлодни миллий маданият, урф-одатларимизга садоқат, олижаноб инсоний фазилатлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқимиз маънавиятини юксалтиришда асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган фолклор асарлари, миллий қадриятларимизнинг ўрни беқиёс. Бугун эркин ижод қилиш, изланиш, ўз истеъдодини юзага чиқариш, қобилиятларини намойиш этиш учун барча шароитлар етарли. Имкониятлардан унумли фойдаланиш, ҳаваскорлик бадиий жамоаларининг репертуарларини бойитиш, ҳудудга хос урф-одат, байрамларга оид маросим қўшиқлари ва рақсларини киритишга алоҳида аҳамият қаратиш, мусиқа асбоблари ва саҳна либосларини янгилаш, ансамбларга ёш истеъдодли ижрочиларни жалб этиш асосий вазифаларимиздан, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров.

Президентимиз таъкидлаганларидек: «Жамиятни соғлом эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор — санъат ёрдамида маънавий-маърифий тарбияни юксак даражага кўтариш бугунги янгиланиш даврида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда». Зеро, фолклор санъати, миллий куй-қўшиқларимиз инсониятни ҳамиша эзгу ишлар қилишга чорлайверади.

Назокат АҲМЕДОВА

Спорт оламида

ОҒИР АТЛЕТИКА

Дания пойтахти Копенгагенда ташкил этилган оғир атлетика бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпионати қизғин баҳсларга бой бўлди.

280 КГ. НАТИЖА БИЛАН

45-49 ёшли спортчилар ўртасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Вячеслав Брюхов (-94 кг.) даст кўтаришда 120 кг., силтаб кўтаришда 160 кг. тошни ўзига бўйсундириб, умумий 280 кг. натижа билан олтин медал соҳибига айланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳамюртимиз энг яқин таъқибчиси (кумуш медал совриндори) Йенс Каббе (Германия)ни 29 кг.га ортда қолдирди.

ЭШКАК ЭШИШ

Хитой Тайпейида академик эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди.

ШАХБОЗ — КУМУШ МЕДАЛ СОҲИБИ

Қитъанинг энг умидли, ёш спортчилари иштирок этган мусобақада ҳамюртимиз Шахбоз Холмирзаев 2000 метр масофага яккалик пойгада белгиланган масофани 07:40,95 сонияда босиб ўтиб, кумуш медал совриндори бўлди.

Гонконглик Чан Юк Ман марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келган бўлса, япониялик Наоики Такада бронза медалини қўлга киритди.

ДЗЮДО

АҚШнинг Колорадо-Спрингс шаҳрида имконияти чекланган спортчилар ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз полвонлари муваффақиятли иштирок этди.

ОДИЛЖОН — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Эътиборлиси, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган 15 нафар спортчимиздан 8 нафари совриндорлар сафидан жой олди. Бу Ўзбекистонда Паралимпия ҳаракати жадаллик билан ривожланиб бораётганлигининг исботидир.

Жаҳон чемпионатининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унда 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да ўтказиладиган XV ёзги Паралимпия ўйинларининг йўлланмалари учун рейтинг очколар ҳам ўйналди.

Биринчи кунги мусобақада ҳамюртларимиз 2 та кумуш ва 3 та бронза медалига сазовор бўлдилар. Вазни 60 кг.гача бўлган полвонлар мусобақасида Шуҳрат Бафоев терма жамоамиз ҳисобига дастлабки кумуш медални келтирган бўлса, Ўткир Ниғматов (-66 кг.) ўз вазн тоифасида финалга қадар кечган баҳсларни мағлубиятсиз якунлади. Жаҳон чемпионатининг бронза медалларига Шерзод Намозов (-60 кг.), Нурбек Бердиёров (-66 кг.) ва Феруз Саидов (-73 кг.) сазовор бўлди.

Жаҳон чемпионатининг иккинчи кунги баҳсларида терма жамоамиз хазинаси олтин медал билан бойиди. Мутлақ (+100 кг.) вазн тоифасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Одилжон Тўлендибоевнинг қўлга киритган ғалабаси шарафига Давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилди.

Шунингдек, Ширин Шарипов (-100 кг.) кумуш, Шуҳрат Бобоев (-90 кг.) бронза медали билан тақдирланди.

ШАХМАТ

Халқаро шахмат федерацияси — FIDEнинг Норвегияда бўлиб ўтган конгрессида сирдарёлик Сарвиноз Қурбонбоевага халқаро тоифадаги спорт устаси унвони берилди.

САРВИНОЗ — ХАЛҚАРО ТОИФАДАГИ СПОРТ УСТАСИ

Ақл-заковат, сабр-тоқат ва ирода талаб қиладиган мазкур спорт тури билан шуғулланиш учун юртимизда барча шарт-шароит яратилган. Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида Тошкентда шахмат бўйича ихтисослаштирилган республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби очилгани бунга яққол мисолдир.

Шахматчиларимиз қитъа ва жаҳон чемпионатлари, жаҳон шахмат олимпиадаси, Осиё ўйинларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб, мамлакатимизда вояга етаётган ёш авлод дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботлаб келмоқда.

Айни кунларда С.Қурбонбоева 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Ҳиндистонда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда.

ФУТБОЛ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларида иштирок этадиган терма жамоанинг якуний таркибни эълон қилди.

ЯКУНИЙ ТАРКИБ

Турнир регламентига кўра, жамоалар 23 ёшгача бўлган 20 нафар футболчини рўйхатга киритиш имкониятига эга. Шунингдек, ҳар бир терма жамоа 3 та ёши 23 дан катта бўлган футболчи билан мусобақада иштирок этиши мумкин. Шунга кўра, терма жамоа сафида Ислом Тўхтахўжаев, Фозил Мусаев («Локомотив») ва Воҳид Шодиев («Бунёдкор») тўп сурадиган бўлди. Вакилларимиз Инчеонга 11 сентябр куни учиб кетади.

Якуний таркиб:

Дарвозабонлар: Элдор Суюнов («Насаф»), Никита Рибкин («Пахтакор»).

Ҳимоячилар: Егор Кримец, Даврон Ҳошимов («Пахтакор»), Бобур Йўлдошев, Ислом Тўхтахўжаев, Салим Мустафоев («Локомотив»), Шерзод Файзиев («Машъал»), Азамат Исроилов («Олмалиқ»).

Ярим ҳимоячилар: Акбар Исматуллаев, Владимир Козак, Жамшид Искандаров («Пахтакор»), Фозил Мусаев («Локомотив»), Дилшод Жўраев, («Бунёдкор»), Фаррух Сайфиев («Насаф»).

Ҳужумчилар: Игор Сергеев («Пахтакор»), Воҳид Шодиев, Сардор Рашидов («Бунёдкор»), Шаҳзодбек Нурматов («Металлург»), Наврўзбек Олимов («Қизилқум»).

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси 51-уй манзилида жойлашган «ONIKS» акциядорлик жамияти тасарруфидаги, давлат мулклари бўлган ижтимоий инфраструктура объекти ҳисобланган Ошхона бино-иншооти.
Бошланғич нархи — 3 005 796 996 сўм.
Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 3420 кв.м.
Балансда сақловчи: «ONIKS» акциядорлик жамияти.
Фаолияти ихтисоси: Электроника саноати.

2. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси 51-уй манзилида жойлашган «ONIKS» акциядорлик жамияти тасарруфидаги, давлат мулклари бўлган ижтимоий инфраструктура объекти ҳисобланган «Марҳамат» кафеси бино-иншоотлари.
Бошланғич нархи — 353 440 291 сўм.
Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 422 кв.м
Балансда сақловчи: «ONIKS» акциядорлик жамияти.
Фаолияти ихтисоси: Электроника саноати.

3. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси 51-уй манзилида жойлашган «ONIKS» акциядорлик жамияти тасарруфидаги, давлат мулклари бўлган ижтимоий инфраструктура объекти ҳисобланган «Хрустал» кафеси бино-иншоотлари.
Бошланғич нархи — 141 870 661 сўм.
Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 168 кв.м.
Балансда сақловчи: «ONIKS» акциядорлик жамияти.
Фаолияти ихтисоси: Электроника саноати.

4. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси 51-уй манзилида жойлашган «ONIKS» акциядорлик жамияти тасарруфидаги давлат мулки бўлган умумий майдони 1778 кв.метрга тенг профилакторий ва қоровулхона бино-иншооти ҳамда қўшимча аниқланган мол-мулклари.
Бошланғич нархи — 2 744 107 700 сўм.
Балансда сақловчи: «ONIKS» акциядорлик жамияти.
Фаолияти ихтисоси: Электроника саноати.

5. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Миробод кўчаси 9-«А» уй манзилида жойлашган, умумий майдони 1270 кв.метрга тенг бўлган 2 қаватли ертўлали маъмурий бино.
Бошланғич нархи — 2 864 866 845 сўм.
Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

6. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси 31-уй манзилида жойлашган умумий майдони 422 кв.метрга тенг бўлган собиқ «Зумрад» дўкони биноси.
Бошланғич нархи — 1 653 002 000 сўм.
Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Toshkent Reklama-Servis» давлат унитар корхона тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой ва А.Қодирий кўчалари кесишувида жойлашган 3 х 6 ўлчамли реклама конструкцияси.
Бошланғич нархи — 9 300 000 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Toshkent Reklama-Servis» давлат унитар корхоналари.
Фаолияти ихтисоси: Реклама, ваколатли хизмати.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек туманидаги, Сайрам кўчаси 26-уй манзилида вақтинчалик сақланаётган «Наврўз» савдо комплекси металконструкция қурилиш материаллари иншооти.
Бошланғич нархи — 6 607 065 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.
Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.
Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А» -уй. Тел/факс: (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 13 октябр куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 27 октябр ва 10, 24 ноябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилоят филиалида бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

1. Пахтаобод туман Маданият ҚФйда жойлашган, Пахтаобод туман ҳокимлиги балансидаги 43-сонли мактаб бино ва иншоотлари.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий фойдаланишдаги ер майдони 2350,0 кв.м.; қурилиш ости майдони ҳужжат бўйича 304,82 кв.м.; ҳақиқатдагиси 504,8 кв.м.; фойдали майдон 203,1 кв.м.
Бошланғич нархи: 81 508 878 сўм.
Балансда сақловчи: Пахтаобод туман ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Қўрғонтепа туман Қўрғонтепа КФЙ — Қўштепа МФЙ ўрамида жойлашган, Қўрғонтепа туман ҳокимлиги балансидаги «11-сонли мактабгача таълим муассасаси» бино ва иншоотлари.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: ер участка майдони 1 700,0 кв.м.; умумий қурилиш майдони 411,99 кв.м.
Бошланғич нархи: 100 309 053 сўм.
Балансда сақловчи: Қўрғонтепа туман ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

3. Балиқчи туман Эскиҳақулобод ҚФЙ — Мустақиллик МФЙ ўрамида жойлашган, Балиқчи туман ҳокимлиги балансидаги 5-сонли мактабгача таълим муассасаси бино ва иншоотлари.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: ер участка майдони 781,21 кв.м.; умумий қурилиш майдони 781,21 кв.м.
Бошланғич нархи: 154 632 481 сўм.
Балансда сақловчи: Балиқчи туман ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

4. Шаҳрихон туман Назармахрам ҚФйда жойлашган, Шаҳрихон туман ҳокимлиги балансидаги 21-сонли мактабгача таълим муассасаси бино ва иншоотлари.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: ер участка майдони 722 кв.м.; фойдали майдони 97,38 кв.м.
Бошланғич нархи: 60 100 522 сўм.
Балансда сақловчи: Шаҳрихон туман ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилоят филиали, Андижон шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 30-уй 105-хона. Тел/Факс: (8-374) 228-47-60. веб сайт: www.1kms.uz; Электрон почта: andkmsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 20 октябр куни, соат 11.00 да Андижон шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 30-уй 105-хонада ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 27 октябр, 3, 10 ноябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилоят филиали)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: Андижон шаҳар «Савдогар» ОАТ банки х/р: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 105-хона.

Маълумотлар учун телефонлар (8-374) 228-47-60, 228-47-62. факс.(8-374) 228-47-60.

Электрон почта: andkmsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг! **Хизматлар лицензияланган.**

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:
«Фарғона тумани Чекшўра ҚФЙ Машраб-Бобур массиви ички йўли тўла таъмири»
Бошланғич нархи — ***1 105 672 689 сўм ҚҚС сиз ва 1 326 807 226 сўм ҚҚС билан.***
Қурилиш муддати — ***31.12.2014 й.***
Қурилиш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови 25%.
Буюртмачи: Фарғона тумани ободонлаштириш бошқармаси.
Манзил: Фарғона тумани Водил ҚФЙ, тел. (373) 242-68-59.
Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.
Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси 37-уй* манзилида ўтказилади.
Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилоят филиали очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:
Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Савбоғ қишлоғида жойлашган, Ғузор туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли собиқ «Лочин» номли болалар боғчаси бино ва иншоотлари.
Танловга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони 4 783,24 кв.м.; бино ва иншоотларнинг умумий майдони 595,96 кв.м.
Бошланғич нархи — 358 741 602 сўм.
Балансда сақловчи: Қашқадарё вилоят Ғузор туман Ободонлаштириш бошқармаси.
Фаолияти ихтисоси: Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари .
Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали, Қарши шаҳри Қарлиқхона МФЙ, «Тошсарой» (собиқ М.Абдуллаева) кўчаси 20-уй. телефон: (8-375) 225-44-58. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.
Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.
Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АТИБ «Ипотека» банк Қашқадарё вилоят филиали, 20208000004920609009; мфо: 00190; стир: 207122519.
Танловда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган конвертларни очиш санаси куни уч соат олдин тамом бўлади.
Инвестиция мажбуриятларининг ва бошқа мажбуриятларнинг энг кам ҳажми:
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- энг юқори миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш;
- янги иш ўринларни ташкил этиш мажбуриятини олиш.
Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2014 йил 15 октябр куни, соат 11:00 да Давлат рақобат қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси мажлислар залида (3-қават)да бўлиб ўтади.
Танлов савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 31 октябр, 18 ноябр ва 4 декабр кунлари, соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Танлов ҳужжатларини ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри Қарлиқхона МФЙ «Тошсарой» (собиқ М.Абдуллаева) кўчаси 20-уй «Qashqadaryo mulk Markazi» МЧЖ биноси.
Танлов ҳужжатлари талабгорларга уни олиш пайтида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2 (икки) баробари миқдоридаги тўлов эвазига берилади.
Танлов ҳужжатларига тўловни тўлаш учун банк реквизитлари: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека» банк Қашқадарё вилоят филиали, 20208000004920609009, мфо: 00190, стир: 207122519.
Танловда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:
юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
танлов тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.
танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган танлов таклифлари:
сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;
инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;
агар бу танлов шартларида белгиланган бўлса қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.
Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.
Мурожаат учун манзил: Қарши шаҳри Қарлиқхона МФЙ «Тошсарой» кўчаси 20-уй.
Маълумотлар учун телефон: (8-375) 225-44-58. Факс: (8-375) 225-44-58.
Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gkitorg.uz.
Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!
Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилоят филиали бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.
1. Сирдарё вилояти Оқолтин туман, Сардоба шаҳарчаси ҳудудида жойлашган Оқолтин тумани ҳокимлигига қарашли «3-сонли болалар боғчаси» бино ва иншоотлари.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
-умумий ер майдони 11 200,0 кв.м.;
-бино ва иншоотлар эгаллаган ер майдони 1 338,92 кв.м.
-сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш
Бошланғич нархи — 911 307 625 сўм.
Балансда сақловчи: Оқолтин тумани ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.
Аукцион савдоси 2014 йил 15 октябр куни, соат 10.00 да, Гулистон шаҳар, «Бизнес маркази» биносининг мажлислар залида ўтказилади.
Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 5 ноябр, 20 ноябр ва 5 декабр кунлари, соат 10.00 да бўлиб ўтади.
2. Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани, Меҳнатобод ҚФЙ, Деҳқонобод МФЙ ҳудудида жойлашган Мирзаобод тумани ҳокимлигига қарашли «Пахтакор» амбулатория пункти бино ва иншоотлари.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
-умумий ер майдони 322,34 кв.м.
-бино ва иншоотлар эгаллаган ер майдони 99,24 кв.м.
-сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 58 461 393 сўм.
Балансда сақловчи: Мирзаобод туман ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.
Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали, Гулистон шаҳар, «Бизнес маркази» биноси, 58-хона. Тел: (8-367) 226-38-91. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.
Аукцион савдоси 2014 йил 21 октябр куни, соат 10.00 да, Гулистон шаҳар, «Бизнес маркази» биносининг мажлислар залида ўтказилади.
Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 20 ноябр, 22 декабр ва 2015 йил 20 январ кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтади.
Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.
Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиали; х/р: 20208000904920609006, МФО 00373, СТИР: 207122519.
Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.
Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:
юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.
**Мур